

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН.(Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С.(Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А.(Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш.(Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Н.Матхошимов, Э.Исаков Фарғона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....	203
А.Шерматов, А.Юсупова Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....	210
О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....	213
Х.Лутфуллаева Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўникмалари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....	217
И.Асқаров, Д.Ҳожиматова Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....	222
А.Шарафиддинов Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари (XIX аср охири)	226
А.Ғаниев Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....	230
Х.Мухаммедова Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....	233
Х.Хаитов Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....	236
Г.Умаржонова Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шаклланиши.....	239
Л.Ғалимуллина Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик birlikларнинг қиёсий таҳлили.....	242
И.Аҳмаджонов Морфемик birlikларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....	245
М.Саидакбарова Мангуликка дахлдор сўз.....	249
Д.Қаландарова Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....	252
И.Жўраев Бурч ва масъулиятнинг бадий-фалсафий талқинлари.....	256
Ф.Анварова, Н.Тоирова Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар	259

УДК: 8-1/-9+398.23

ФОЛЧИ ЁКИ РОМЧИ – КУЛГИ АСАРЛАРДАГИ ҲАЖВИЙ ҚИЁФАЛАРДАН БИРИ

THE FORTUNE TELLER IS ONE OF THE HUMOROUS CHARACTERS IN COMICS

ГАДАЛКА ИЛИ ВОРОЖЕЯ ОДНА ИЗ ПАРОДИЙНЫХ ПЕРСОНАЖЕЙ
ЮМОРИСТИЧЕСКИХ ПОИЗВЕДЕНИЙҲайитов Ҳамза Аҳмадович¹¹Ҳайитов Ҳамза Аҳмадович– БухДУ, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
мустақил изланувчиси.**Аннотация**

Мақолада фолчи, ромчи образлари ҳажвий-юмористик руҳдаги асарларнинг анъанавий ҳажвий қиёфаларидан бири сифатида ўрганилган.

Аннотация

В статье исследуются образ гадалки, ВОРОЖЕИ как одного из традиционных пародийных образов произведений в юмористическом духе.

Annotation

The article examines the images of a fortune-teller, romchi as one of the traditional humorous images of works in a humorous spirit.

Таянч сўз ва иборалар: фол, ром, фолчи, шомон, ҳажвий характер, кулги, ҳажвий асар, юмор, латифа.

Ключевые слова и выражения: гадание, ворожба гадалка, шаман, комический персонаж, смех, юмористическое произведение, юмор, анекдот.

Key words and expressions: divination, fortune teller, shaman, comic character, laughter, comic work, humor, anecdote.

Ҳажвий-юмористик руҳдаги асарларда юзлаб, минглаб ҳажвий қиёфалар ёритилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу эса бадиий ижод аҳлининг беқиёс поэтик маҳорат қирраларидан бирини намоён этади. Жаҳон адабиётидан бошланган бундай эстетик тажриба ўзбек адиблари ижоди учун ҳам хос муҳим белгилардан биридир. Жумладан, кўча-қўйда томоша уюштириб пул топувчи, фолбинлик билан лақма одамларни чув туширувчи фолчилар, ромчилар образидан маҳорат билан фойдаланиб, ҳажвий характерлар яратган ижодкорлар номи ўзбек адабиётида ҳам бор. Анвар Обиджон ҳам шундай адиблардан биридир. У яратган ҳажвий қаҳрамонлар орасида Умар Ҳайёмнинг ҳурматини ниҳоятда жойига қўядиган пиёниста, “уч ярим йилдан бери сип-силлиқ тул” сифатида ўзини радиобозорга солаётган “хотингадо”, “баъзи балчиқмиялар” ва “калласини ажриқ босганлар” билан киборлар оиласида тарбияланган зиёлиларча муомалани жойига қўядиган ромчи, уч соатли тарихий картинада қудуқ ёнидаги ўлик ролини ўйнаб

қўйиб, мактабма-мактаб ижодий учрашув қилиб юрган артист, “танишларига қўнғироқ қилиб, бирдан Маман банкирнинг ити Вильгельм нима еб ўлганини, иккинчисидан хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан бугунги қийматини, учинчисидан Пирхон терговчининг қайнанаси қайси жиннихонада ётганини эзмаларча суриштириб” кун ўтказадиган бекорчи... сингари Бердимат, Оймамат, Гудирмамат, Майнахон, Зилзилахон, Машмашахон, Суробхўжа, Патийдин, Мўмин Итоатович, Гўга Гадович, Белла Қорамуллаевна, Луғатхўжаев, Дазмолов, Дарраев, Шавлаев, Мамашоти, Парриқ минғи, Алирафиқ, Жаббор мелиса, Мирзақанд найнов, Нашватий, Мишмишали, Уруғали, Ёмғирали исмли юзлаб қаҳрамонлар учрайди. Фолчи ва ромчи образининг ҳам адиб асарларида алоҳида ўрни бор. Айрим асарларда бўлгани каби Анвар Обиджон ҳам далиига гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, адибнинг “Дардингни стадионда айт” асарида фолчи образидан маҳорат билан фойдаланилган.

Фолчилик шомонизмнинг бир кўриниши бўлиб, унда фолчи ўзини гўё рухий олам вакиллари билан мулоқотга киришгандай тасаввур қилади ва бунга бошқаларни ҳам ишонтиришга уринади. Бунинг учун у атрофидаги одамлар тушунмайдиган тилда гапиришга чоғланади. Мана шу туфайли Анвар Обиджон эшагини йўқотган Қурванақулнинг умид билан Оймамат фолчи эшигига келиши тасвирида нега айнан фолчи нутқини “Вақ!!!Вақ!!!” деган лексик маънога эга бўлмаган тақлид сўзлар билан бошлагани аёнлашади.

Шомонлар, одатда, кўзга кўринмас олам вакиллари билан кўзни юмиб турган ҳолатда мулоқот қилиш мумкин, деб қарашган. Шунинг учун Анвар Обиджон ҳам фолчи образини яратар экан, бевосита унинг кўзини юмиб турган аснода ўтиришига эътиборни қаратади. “Фолчи” шу ҳолатда бир дам жимиб қолиб, кейин яна ўзича “Ғавва-ғавва, ғавва-ғавва. Ғир-р, ғир! Ана... ана... кўряпман. Кўзи гўлайиб турибди” дея гудрана кетади.

Фоллар, одатда, турли мақсадларга қаратилган бўлади. Улардан ғойиб бўлган, ўғирланган нарсани топиш, касалга шифо, бахту тахтдан сўраш учун фол очтириш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Фол очишнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Агар юқоридаги каби фол “ғойиб нарса” учун очилса, аввал унинг шакли аниқлаб олинган. Бу ҳақда асарда ҳам ишора бор: “Шунда Оймамат аста кўзини очиб: “Мана, керакли хайвоннинг шаклини аниқладик”, деб виқор билан дўранглаганида, Қурванақул: “Шакли эшакми, ахир?” – дея тоқатсизланиб питирлади”.

Фолчи Оймамат ҳамда фол очтирувчи Қурванақул ўртасидаги суҳбат асосига қурилган парча асар сюжетининг энг кулгили ўринларидан бирини ташкил қилган. Айниқса, айёр ва муғомбир, кўзбўямачи ва очкўз фолчининг сўзлари, хатти-ҳаракатлари сатирик кулгига, содда, эътиқоди сушт Қурванақул фаолияти эса юмористик кулгига асослангани билан асарнинг ҳажвий моҳиятини кучайтира олган.

Фолчилар, одатда, нима ҳақда фол кўриш кераклигини фол очтирувчидан ўсмоқчилаш орқали билиб олган. Бу ҳолатга ишора қуйидаги парчада акс этган: “Қурванақул умидворланиб: “Ўша менинг эшагим бўлиши керак, ҳақиқатанам кўзи лўппайганроқ”, дея типирчилай бошлади.

Содда Қурванақулни илантираётганига ишона бошлаган Оймамат кўзи юмуқ ҳолда яна “кўрагон”ликда давом этиб: “Бошида иккита кулоқ кўриняпти...Орқасида битта дум...Тагида тўртта оёқ турибди...”, – дейди. Қурванақул эса уни: “Тўппа-тўғри топдингиз! Кулоғи иккита бўлса, айнан менинг эшагим!Ўша бир думли эшак меники! Қойилман, ака! Худди менинг эшагимни гапиряпсиз! Оёғи чинданам тўртта, ўзим санаб кўрганман! Энди, қаердалигини айтсалар бас, Нигериядан бўлсаям ушлаб келаман!” деб сир бой бериб қўяди. Мана шундан сўнг фолчи фол очтирувчини тўлиқ забт этганига ишонч ҳосил қилгач, ўз фолчининг ҳақини сўрашга киришади. Одатда, фол ҳақини сўраш кичик нарсдан бошланади. Оймамат ҳам фолига бир қизғиш бузоқ (сигир ёки хўкиз эмас) тушганини айтади. Ҳатто уни аниқ белгилари билан айтиб, Қурванақулни янада “сеҳрлай бошлайди”. “Қаншарида юм-юмалоқ оқ қашқаси бор. Менимча, у эшагингни кўрган. Шу бузоқни яйловдан топиб, олдимга ҳайдаб келсанг, қаттиқ тергов қиламан. Эшагингни ростданам кўрган бўлса, қайси ёққа кетганини айтади. Айтмай кўрсин-чи!” дейди Оймамат. Шу ўринда фолчининг билиб-билмай ўзини моллар тилида гаплаша оладиган “молдай” киши қилиб кўрсатиши уни бутунлай фош этиб, устидан сатирик кулги уйғотади.

Қурванақул эса Оймаматга жавобан: “Қимирламай ўтириб туриш, бузоқни ғизилатиб опкелиш биздан”, дея ўрнидан кўзғалаётганида, Оймамат: “Тўхта!” деб уни йўлдан қайиради ва қўшимча қилади: “Бузоқни пок ҳолатда сўроқ қилишим керак. Уни йўлдаги ариқда яхшилаб чўмилтир. Эринмасдан туёқлариниям ярқиратиб ювгин”. Унинг бу таклифига ҳам “Хўп бўлади!” деганча, кўксига қўл босиб чиқиб кетаётган Қурванақулга ўчоқ бошида ивирсиб турган фолчининг хотини ҳам кутилмаганда гапга суқилиб: “Думига ёпишган қўйтиконларниям тозалаб қўяқолинг, иним”, – дейди. Аёлининг бу гапидан Қурванақулнинг анграйиб, аланглаб қолганини сезган фолчи хотинига зимдан ўқрайиб қўйиб, беўхшов тиржайганча Қурванақулга: “Анқайма, Қурванақул. Фолчилик бу опангга биздан озгина юққан. Майли, думиниям тозалаб қўявур”, дея гапни тўғрилашга уринади. [2. 94-95].

Анвар Обиджон яратган ҳажвий характерлар қаторида Парриқ-минғи ромчи, Қурмон ромчиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Парриқ-минғи ромчи тилидан шундай дейилади: “Балки, минг йил олдин ёзилгандир, – нохуш ҳидни сезгандек бурнини жийирди ромчи. – Балки, унданам олдинроқдир. Бувомнинг бувоси ачангни ачасигаям шу китобдан таъбир айтган бўлса, ажабмас” [3. 150]. Ушбу парча воситасида фолбинларнинг турли китобларга таяниб, фол очиш ҳаракатига ишора бор.

Анвар Обиджоннинг ўз латифа ҳикояларида фолчи образидан фойдаланиши тасодиф эмас. Чунки халқ латифаларида ҳам фолчи образидан ҳамиша фойдаланиб келинган. Масалан, халқ орасидан ёзиб олинган замонавий бир латифада шифокор “янги ўзбек”ка касали оғирлигини, бир йилгина умри қолганини айтгач, у фолбинга кириб маслаҳат сўрабди. Фолбин унга шундай маслаҳаб берибди: “Сен “Мерседес”ингни сотгин-да, ўрнига

“Запорожец” сотиб ол. Хотининг билан ажрашиб, гадойми, пиёнистами, шунга ўхшаганига уйлан. Уйингни сотиб шаҳар четидан кичик бир уйча ол”. “Шундай қилсам, узоқроқ яшайманми?” – дебди бемор. “Йўқ, ўша қолган бир йил умринг юз йилга татийди” [4. 146], – дебди фолбин.

Бу латифада ҳар қанча пулига ишониб мағрурланмасин, дард олдида ўзини ожиз сезган инсоннинг фолбиндан нажот излаши, унга ишонч билан мурожаат қилиши, фолбин эса унинг соддалигидан кулиши ифода этилган.

Хулоса қилиб айтганда, фолчи, ромчи билан оддий инсонларнинг суҳбатига асосланган фол мотивидан ҳажвий-юмористик руҳдаги асарларда ўта соддалик ва гўлликка муғомбирлик, айёрлик, ёлғончилик, алдамчилик, фирибгарлик туйғуларини зидлантириш мақсадида фойдаланилгани кузатилади. Айниқса, “фол ҳақи” сўраш тасвири орқали очкўзлик, текинхўрлик иллатлари кескин фош этилади.

Адабиётлар:

1. Амонов У. Фитратнинг “Арслон” драмасида фол мотиви. – Бухоро мавжлари (адабий-бадий, ижтимоий-маърифий журнал). – Бухоро. – 2013. – № 3.
2. Обиджон Анвар. Дардингни стадионда айт (ҳажвиялар, ҳангомалар). – Т.: Зиё нашр, 2019.
3. Обиджон Анвар. Олтиариқ ҳангомалари. Ҳажвия ва ҳангомалар. – Т.: Маънавият, 1999.
4. Сиз ким бўласиз? Латифалар. Ҳангомалар. – Т.: Шарқ, 2008.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)